

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТҮҒРИСИДА

Энергетика соҳасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, энергетика тармоқлари корхоналарини бошқаришни такомиллаштириш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш ҳамда шу асосда мамлакат энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш, иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида:

1. Қўйидагилар энергетика соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари деб ҳисоблансин:

енергетика тармоқларини монополиядан чиқариш тадбирларини изчил амалга ошириш, давлат томонидан тартибга солиш даражасини пасайтириш, электр энергиясини сотиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг электр узатиш линияларига боғланишлари учун тенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш;

енергетика тармоғининг йирик корхоналари — иссиқлик электр станциялари, марказлаштирилган иссиқлик-электр қурилмалари, электр тармоқлари корхоналари ва бошқаларни босқичма-босқич акциялаштириш;

ижтимоий инфратузилма обьектларини, лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ва тузатиш ишларини олиб борувчи корхоналар ва ташкилотларни жадал суръатларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, улар негизида мулкчиликнинг нодавлат шаклларидаги корхоналар, шу жумладан хусусий корхоналар ташкил этиш;

енергетика корхоналарини акциялаштириш, ишлаб чиқарувчи қувватлар ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, техника билан қайта жихозлаш ва янада ривожлантириш жараёнларига чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш;

электр ишлаб чиқариш, уни узатиш ва сотиш бўйича бошқарув тизимига ва хўжалик алоқаларига бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш;

енергетика қувватлари ва кўмир саноатининг ўзаро боғлиқ ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш.

2. Энергетика корхоналарини монополиядан ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда акциялаштириш масалалари бўйича маҳсус комиссиянинг:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигини тугатиш ва унинг таркибий бўлинмалари негизида очик акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси («Ўзбекэнерго ДАҚ»ни ташкил этиб, унинг таркибига мустақил юридик шахс хукуқлари билан «Кўмир» акциядорлик бирлашмасини киритиши;

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси тузилмасида электр энергияси узатиш бўйича юкори кучланишли тармоқлар шўъба корхонаси («Ўзэлектртармок») ташкил этиш;

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш бўйича минтақавий шўъба корхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

3. Қўйидагилар «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

республика иқтисодиёти ва аҳолисини электр энергияси билан барқарор таъминлаш, республика энергетика тизими иш режимларини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

электр энергетикаси ва кўмир саноатини ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узок муддатли прогнозларини ҳамда мақсадли дастурларини ишлаб чиқиши, электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансларини шакллантириш;

ишлаб чиқарувчи қувватлар ва электр тармоқларини, кўмир саноати корхоналарини замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар асосида, шу жумладан хорижий

инвестициялар ҳисобига реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

кўмир қазиб олиш бўйича геология-разведка ишларини мувофиқлаштириш, кўмир конларини очиш ва кўмир қазиб олишнинг самарали тизимлари ва усулларини жорий этиш, уни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда ундан устун даражада фойдаланиш, энергиянинг қайта тикланадиган, шу жумладан ноанъанавий манбаларини ривожлантириш ва жорий этиш;

республика корхоналари ва ташкилотлари билан биргаликда электр энергияси ва кўмирни тежаш, улардан оқилона фойдаланиш ва нобудгарчиликни камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича унинг ҳуқукий вориси ҳисобланади;

иссиқлик электр станциялари, иссиқлик электр марказлари, электр тармоқларининг вилоят корхоналари босқичма-босқич акцияларнинг назорат пакетини «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясида сақлаган ҳолда акциядорлик жамиятларига айланиб борадилар.

5. Мустақил Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги («Ўздавэнергоназорат» агентлиги) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўздавэнергоназорат» агентлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

6. Куйидагилар Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш, ташиш ва истеъмол қилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш, ташишда хавфсизликни таъминлашга қаратилган профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш;

ложиҳаларни экспертизадан ўтказишида ҳамда электр энергияси ишлаб чиқариш, ташиш ва истеъмол қилиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича янгидан қурилган обьектларни қабул қилиш ишларида қатнашиш;

Олдинги таҳтирга қаранг.

(6-банднинг бешинчи хатбоюси ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 3 октябрдаги ПФ-4473-сонли Фармонига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 40-сон, 466-модда)

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда таклифлар киритсингар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 1990 йил 28 сентябрдаги ПФ-57-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан ўн кун муддатда **карор** қабул қилсин.



LexUZ шарҳи

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 февралдаги 93-сон «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиши чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2001 йил 24 февралдаги 94-сон «Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги («Ўздавэнергоназорат» агентлиги) фаолиятини ташкил этиши тўғрисида»ги қарорларига қаранг.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2001 йил 22 февраль,
ПФ-2812-сон

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 47-модда; 2012 й.,
40-сон, 466-модда)